**«Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг ҳаёт синовларида тобланган, меҳнаткаш ва омилкор пахтакорларининг барчага намуна бўлиб, етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатда йиғиб-териб олгани барчамизга, бутун халқимизга мамнуният ва ғурур бағишлайди».**


SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi

● 2007-yil ● 9-oktabr ● Seshanba ● 125 (27.770) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan


# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, САМАРҚАНД ВА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ ПАХТАКОРЛАРИГА

**Қадрли дўстлар!**

**Авваламбор, сиз, азизларни бугунги катта меҳнат ғалабангиз – мамлакатимизда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш бўйича шартнома режасини муваффақиятли адо этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.**

**Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг ҳаёт синовларида тобланган, меҳнаткаш ва омилкор пахтакорларининг барчага намуна бўлиб, етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатда йиғиб-териб олгани барчамизга, бутун халқимизга мамнуният ва ғурур бағишлайди.**

**Албатта, сизлар эришган бу улкан ғалаба осонлик билан қўлга киритилмагани, унинг замирида ишнинг кўзини биладиган, азму шижоатли деҳқонларимизнинг кечани – кеча, кундузни – кундуз демасдан қилган самарали меҳнати, табиат қийинчиликларини мардона енгиб кўрсатган фидоийлик фазилатлари мужассам эканини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.**

**Айни пайтда пахтачилигимиз тарихида ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган бундай салмоқли ютуқлар қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар, одамларда ерга, мулкка эгалик туйғуси, ўз иши ва меҳнатидан манфаатдорлик ҳисси ортиб бораётганини, энг муҳими, уларнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгараётганини амалда яна бир бор намоён этади, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.**

**Айниқса, бугунги кунда ҳақиқатан ҳам ўзини ҳал қилувчи куч сифатида кўрсатаётган фермерлик ривожи учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратиб берилгани, бу борада сифатли уруғ, минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари, замонавий техника воситалари, молиявий ресурслар, бир сўз билан айтганда, моддий-техник таъминот масаласи ўз вақтида ва оқилона ҳал этиб борилгани ана шундай ютуқларга эришишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.**

**Шу билан бирга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, деҳқончилик соҳасидаги бой тажриба ва илғор агротехнологияларни кенг жорий этиш, йил давомида ишни тўғри ташкил қилиш бундай юксак натижаларнинг асосий омили бўлганини таъкидлаш лозим.**

**Бугун зафар маррасига етиб келган ҳудудларимизда ҳосилнинг юз фоизи фермер хўжаликлари томонидан етиштирилгани, айрим фермерлар ўртача ҳосилдорликни 50-56 центнерга етказишга эришгани ҳам бу ҳаракатнинг том маънода қишлоқ хўжалигининг тақдири ва истиқболини белгилаб берадиган куч эканини яққол тасдиқлайди.**

**Сизлар ўз фидокорона меҳнатингиз билан қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам бу йилги мавсумни муваффақиятли якунлаб, мамлакатимизнинг янада обод, халқимизнинг ҳаёти янада фаровон бўлишига муносиб ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.**

**Барчангизни қўлга киритган меҳнат ғалабаларингиз билан яна бир бор қутлар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.**

**Ҳорманг, ҳамиша бор бўлинг, азизларим, қадрдонларим!**

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5-6 октябрь кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида ҳамда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлиси ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида иштирок этди.**

МДҲ мамлакатлари ўзаро иқтисодий, сиёсий ва гуманитар ҳамкорлик борасида катта тажрибага эга. Ташкилотнинг сўнгги саммитларида Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш кенгроқ муҳокама қилинадиган масала бўлиб келмоқда. Бу бежиз эмас. Анъанавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни сақлаб қолиш мақсадида тузилган МДҲ энди халқаро муносабатларнинг янгича асосдаги тамойилларига мослашиши керак.

Шу боис МДҲни ислоҳ қилиш борасида барча аъзо давлатлар ҳамфикрдир. Бу ҳамфикрлик ўзаро манфаатдорликдан келиб чиқади. Ҳамдўстлик мамлакатлари бир-бирининг имкониятларини, шароитини яхши билади, синалган ҳамкорлар билан ишлаш эса нисбатан осон. МДҲ мамлакатларининг хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги мақсад ва вазифалари уйғунлиги уларни бир-бирига янада яқинлаштиради.

2006 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Минск саммитида МДҲ Ижроия қўмитасига Ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган Давлатлараро ишчи гуруҳи ташкил этиш ва мазкур концепцияни ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Жорий йилнинг июнида бўлган Санкт-Петербург саммитида эса концепцияни тайёрлашнинг бориши кўриб чиқилди.

5 октябрь куни бўлиб ўтган Душанбе саммитида асосий диққат-эътибор МДҲни янада ривожлантириш концепцияси ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар режасига қаратилди. Музокаралар якунида президентлар томонидан мазкур икки ҳужжатнинг имзоланиши ушбу олий даражадаги учрашувнинг асосий натижаси бўлди.

Саммит қатнашчилари миграция билан боғлиқ муаммолар юзасидан фикр алмашиб, бу борада ўзаро келишилган сиёсат юритиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижаси ўлароқ, саммитнинг якуний ҳужжатлари орасидан жиноятчиликка, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига, терроризм ва экстремизмга қарши ҳамкорликда курашиш бўйича 2008-2010 йилларга мўлжалланган қатор дастурлар жой олди.

Журналистлар билан учрашувда музокара самарали бўлгани, очиқлик ва ўзаро ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтгани таъкидланди. МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашига раҳбарлик Қирғизистон Республикасига ўтгани, Россия Федерацияси вакили Сергей Лебедев Ҳамдўстлик Ижроия қўмитаси раиси этиб тайинлангани маълум қилинди.

Душанбеда 6 октябрь куни Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлиси ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ҳам бўлиб ўтди.

ЕврАзЭС ва КХШТнинг саммитлари кўпинча бир вақтда ўтказилиши бу икки ташкилотнинг бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади. Зотан, иқтисодий тараққиёт ва ривожланган интеграцияни хавфсизлик ва барқарорликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов хавфсизликни таъминламай иқтисодиётни, давлатлараро интеграция жараёнларини ривожлантириш қийинлигини ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти бир-бирини тўлдирувчи тузилмалар эканлигини таъкидлаб келади.

*(Давоми 2-бетда)*

**«Пахта — 2007»**

# ДЕҲҚОННИНГ ТАНТИ ОДАТИ –

## КЎЗЛАГАН «ЧЎҚҚИ»СИНИ АЛБАТТА ЭГАЛЛАШ! КЕЧА РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ДАСТЛАБКИ УЧ ҲУДУДИ ПАХТАКОРЛАРИ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИГА ЭРИШДИЛАР



Газетамиз саҳифаланаётган тунги лаҳзаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари пахта йиғим-терими штабларидан кетма-кет қўнғироқлар бўлди:

«...Бизда «Ўзбекистон овози»да овоза қилгулик хушхабар бор... **Қорақалпоғистон** пахтакорларининг бу йилги ғайрат-шижоатлари амалий натижаси куз тарозисида 185 минг тонналик тош босди.

Етиштирилган ҳосилдан олинадиган даромад 71063 миллион сўмга етиши кутилмоқда. Мамлакат хирмонига қўшимча яна 16 минг тонна улуш қўшиш режаси белгиланди. Терим жадал давом этаяпти...»

«Эрта кўкламда 103 минг гектардан зиёд майдонга чигит ташлаган **Самарқанд вилояти** миришкорларининг юзлари бугун ёруғ: қабул пунктларига бугунгача 251 минг тонна юқори сифатли хомашё топширилиб, шартнома-мажбурияти ортиғи билан адо этилди. Ҳосилни чамалаб кўрган пахтакорлар яна 20 минг тонна оқ олтин териб олишни чўтлаб қўйдилар...»

«2007 йилнинг кузи ҳар йилгидек **қашқадарёликлар** учун барокатли келди. Давлат қабул пунктларига 426 минг тонна оқ олтин топширилди. Эрта кўкламдан то терим мавсумигача ғўза ривожидан ҳамма бохабар бўлиб турди. Йиғим-терим жараёнлари ортиқча қистовларсиз, шовқин-суронларсиз кечди. Иш завқли тарзда борди. Айниқса, Косон, Қарши, Касби, Қамаши, Яккабоғ туманлари пахтакорлари фидокорона меҳнат қилишди. Вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 27 центнердан тушди... Галдаги марра — ялпи ҳосил хирмонини 470 минг тоннага етказиш...»

Ушбу сатрларни ёзиб олаяпмизу, сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги ўрталарида қорақалпоғистонлик мухбиримиз Рейимбой Ешимбетов йўллаган бир хабар беихтиёр ёдимизга келди. Унда Нукус туманида ҳар куни 8,5-9 фоиз миқдорида пахта териб олинаётгани ҳақида ҳикоя қилиниб, тумандаги ҳудудий бошланғич партия ташкилоти раиси Жубатхон Бегимовнинг сўзлари келтирилган эди: «Теримда Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари чинакам жонбозлик кўрсатмоқдалар. Ташкилотдаги 36 нафар сафдошларнинг ҳар бири кунига камида 50-60 килограммдан оқ олтин теришаяпти. Дам олиш лаҳзаларида улар Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузаси тарғиботи ва шу кунларда тобора қизғин тус олаётган Ўзбекистон Президентлигига сайловолди жараёнлари бўйича тушунтириш ишлари билан ҳам машғул бўлмоқдалар. Гулистон Бейимбетова, Дилбар Ўтамуратова, Саётхон Пирназарова, Еркабой Чимберганов каби партиядошларимиз алоҳида ибрат кўрсатмоқдалар...»

Шу ўринда республиканинг Амударё, Мўйноқ, Қонликўл, Тахтакўпир, Қўнғирот, Қораўзак, Чимбой, Кегейли, Шуманай туманлари деҳқонлари меҳнатини ҳам алоҳида таъкидламоқ лозим.

Пахтакорнинг танти бир одати бор: етиштирилган ҳосилнинг сўнгги чаноғигача ерда қолдирмай, уни йиғиштириб олиш ва кўзлаган марраси чўққисини албатта забт этиш! Бугун Қорақалпоғистонда ҳам, Қашқадарё ва Зарафшон соҳилларида ҳам шу руҳ, шу ғайрат-шижоатни кўрасиз.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**





**23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни**

# САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

***«Мен сайлов куни доимий яшаш жойимда бўлмаслигим мумкин. Демак, овоз беришда иштирок эта олмайманми?***

**Исоқ ИСМОИЛОВ,**
**меҳнат фахрийси, Бухоро вилояти, Шофиркон тумани».**

**Ушбу саволга юридик фанлари номзоди, доцент Садриддин ХИДИРОВ жавоб беради.**

— «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасига кўра, «Сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширган ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин». Бу участка сайлов комиссияси томонидан овозларни ҳисоблаб чиқиш жараёнида албатта ҳисобга олинади.

Юқоридаги қонуннинг 22-моддасига биноан, «Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторий ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхати мазкур муассасаларнинг раҳбарлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида тузилади».

Хорижий мамлакатга ишга ёки малака оширишга кетган Ўзбекистон фуқаролари эса хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналар ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиясида рўйхатдан ўтиб, сайловда овоз беришга ҳақли.

***Ҳурматли газетхон! Сизда ҳам сайлов кампанияси, сайлов жараёнларига оид саволлар туғилса, таҳририятимизга мурожаат этишингиз мумкин.***


**Телефон: 133-10-13, 136-55-05.**
**Факс: 133-65-45, 133-44-55**
**Электрон почта: info@uzbekistonovozi.uz**


# «МЕН БИРИНЧИ МАРТА ОВОЗ БЕРАМАН!..»

Бу йил мен учун қувончларга тўла бўлди. Юридик коллежини тугатиб, Тошкент давлат юридик институтига ўқишга кирдим. Иккала ўқув масканидаги шарт-шароит ҳавас қилса арзийдиган даражада. Яхши билим олиш учун барча қулайлик муҳайё. Устозлардан таълим олар эканмиз, ўз касбимизнинг етук мутахассиси, Ватан, эл-юрт хизматига ярайдиган одам бўлиб етишиш масъулиятини чуқур ҳис қиламиз.

Яратилган имкониятлардан сўз бошлаганим бежиз эмас. Чунки буларнинг барчаси бизга мустақиллик туфайли берилди. Шунинг самараси ўлароқ, бугун иқтидорли ўзбек ёшларини — олимлару спортчиларни, санъаткорларни бутун дунё эътироф этмоқда. Ким уларнинг сафида бўлишни истамайди дейсиз! Мен яна бир оддий ҳақиқатни таъкидламоқчиман. Биз ким бўлишимиздан қатъи назар, ҳаётимиз кўп жиҳатдан давлат раҳбари, унинг олиб бораётган сиёсати, қандай қарорлар қабул қилишига бевосита боғлиқ. Демак, Президент сайловида иштирок этиш, кўнглимизга яқин номзодга овоз бериш орқали ўз келажагимиз учун ҳам овоз берамиз.

Сўзим бошида айтган қувонч ва ҳаяжонимнинг яна бир сабаби шундаки, мен бу йил биринчи бор сайловда овоз бераман. Буни ўйлар эканман, ўзимнинг улғайиб қолганим, шу юрт, шу Ватан тақдири учун мен ҳам бевосита, катталар билан тепа-тенг масъул, жавобгар эканимни ҳис қиламан. Биз, ёшлар сайлов орқали давлат бошқарувида иштирок этар эканмиз, бу жараёнда ўз фуқаролик масъулиятимизни чуқур англашимиз зарур. Чунки мамлакатимиз Президенти ким бўлишида бизнинг овозимиз ҳам аҳамият касб этади.

Сайлов жараёни бошланиши билан, биз — бўлажак ҳуқуқшунослар, Президент сайлови, унинг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш учун кўнгилли равишда аҳоли орасига кириб борамиз. Бунинг учун фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари, замонавий давлатчилик асослари ва демократиянинг муҳим шарти — Президент сайлови тўғрисидаги Қонун ва сайловни ўтказиш тартибларини янада пухта ўрганиб, турли давра, яқинларимиз орасида бу борадаги саволларга жавоб берамиз.

**Улуғбек КОМИЛОВ,**
**Тошкент давлат юридик институти талабаси.**


O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
*Хизматлар лицензияланган*

# ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

2000 йил октябрь ойида тузилган Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида Божхона иттифоқини ташкил этиш жараёни бошлаб юборилган. Учинчи давлатлардан импорт қилинадиган маҳсулотларга нисбатан божхона тарифларини бирхиллаштириш ҳаракати фаол давом этмоқда. Ҳамжамият фаолиятининг самараси сифатида фуқароларнинг визасиз борди-келди тизими жорий қилингани, олий ўқув юртларига кириш, дипломларни ўзаро тан олиш тартиби яратилиши билан боғлиқ кўплаб ижтимоий қулайликлар мавжуд. Айни пайтда аъзо давлатлар ўртасидаги йиллик товар айирбошлаш ҳажми 70 миллиард АҚШ долларидан ошади. Мазкур кўрсаткич муттасил ўсмоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Брест шаҳрида ташкил этилган биринчи Евроосиё ўйинларида Ҳамжамият мамлакатларидан 1,5 мингдан зиёд йигит-қиз қатнашгани, 2009 йилда Евроосиё халқлари маданияти фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгани гуманитар ҳамкорлик ривожланаётганидан далолатдир. Шунингдек, ЕврАзЭС ҳузурида тузилган Интеграция қўмитаси, Парламентлараро ассамблея, Ҳамжамият суди, Евроосиё банки, агросаноат, адлия, божхона, солиқ, суғурта, транспорт, энергетика каби соҳалар бўйича кенгаш ва комиссиялар Ҳамжамият доирасидаги алоқалар қамрови нечоғли кенг эканлигини кўрсатади.

ЕврАзЭСнинг Душанбе саммитида Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари Божхона иттифоқини тузиш ишларини якунига етказиш, ҳамжамиятнинг умумий энергетика бозорини шакллантириш ва сув-энергетика ресурсларидан унумли фойдаланиш концепциялари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Бу борада аъзо давлатларда кўрилаётган тайёргарлик ишлари сарҳисоб қилинди.

Президентлар ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат юритиш, биргаликда энергетика бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, транспорт иттифоқини ташкил этиш, аъзо давлатларнинг транзит салоҳиятини тўла ишга солиш, транспорт ва коммуникациялар бўйича халқаро конвенция ва ҳужжатларга қўшилиш, агросаноат мажмуида ҳамкорлик, ягона молиявий бозор ва хизматлар бозорини тузиш, ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар. ЕврАзЭСни ривожлантиришнинг стратегия ва тактикаси юзасидан фикр алмашдилар. Келгусида микроэлектроника, биотехнологиялар, қишлоқ хўжалиги техникаси ва бошқа турдаги машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, фан ва технологияларнинг устувор йўналишларини ривожлантириш каби соҳаларда давлатлараро мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларнинг ижросига Евроосиё банки ресурсларини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратишга келишиб олинди.

Мажлис якунида кўрилган масалалар, жумладан, Божхона иттифоқининг ҳуқуқий асосини шакллантирувчи ҳужжатлар, сув-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш ва умумий энергетика бозорини тузиш концепциялари, БМТ билан ҳамкорлик, Халқаро авиация қўмитасига ташкилот ҳузурида кузатувчи мақомини беришга оид қарорлар қабул қилинди.

Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида Ўзбекистон, Арманистон, Беларусь, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, терроризм, экстремизм, наркобизнес, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши курашда ҳамкорликни янада ривожлантириш, ташкилот фаолиятининг 2007-2008 йиллардаги устувор йўналишлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Минтақадаги вазият таҳлил этилди.

Коллектив хавфсизлик кенгаши мазкур ташкилотнинг олий органидир. КХШТ ҳузурида Котибият, ташқи ишлар ва мудофаа вазирларининг кенгашлари, хавфсизлик кенгашлари котибларининг қўмитаси, Бирлашган штаб фаолият юритади. Президентлар мазкур органларнинг мажлисларида ишлаб чиқилган хулоса ва тавсияларни кўриб чиқдилар. Ахборот хавфсизлиги, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Сессияда КХШТ доирасида тинчликни сақлаш билан боғлиқ фаолият механизмининг меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асосларини шакллантириш ҳамда ҳарбий-иқтисодий ҳамкорлик бўйича давлатлараро комиссия фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий негизларини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Саммит якунида тинчликни сақлаш фаолияти, ҳарбий аҳамиятга молик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ишлатиш, таъмирлаш, модернизация қилиш тўғрисидаги битимлар, Коллектив тинчликни сақлаш кучлари ва Тинчликни сақлаш операцияларини тайёрлаш бўйича тезкор ишчи гуруҳга оид ҳужжатлар имзоланди.

Мазкур икки саммит ЕврАзЭС ва КХШТни ривожлантириш ва уларнинг ҳамкорлигини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутиши шубҳасиздир. МДҲнинг Душанбе саммити эса Ҳамдўстликнинг аҳамияти ортиб бораётгани ва у қамраган минтақада интеграция жараёнлари мустаҳкамланаётганини яна бир бор намоён қилди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент — Душанбе — Тошкент.

**Ўзбекистон судьялари уюшмасининг навбатдаги съезди бўлиб ўтди. Унда судьялар, адвокатлар, прокуратура, ички ишлар идоралари масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

# СУДЬЯЛАР УЮШМАСИ СЪЕЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев, Олий хўжалик суди раиси А.Ишметов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган Ўзбекистон судьялар уюшмаси мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларига муносиб ҳисса қўшиб келаётганини таъкидладилар. Судьяларнинг чинакам мустақиллигини мустаҳкамлашда, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий институт сифатида шаклланишида уюшманинг ҳам ўз ўрни бор.

Съездда уюшманинг 2002-2007 йиллардаги фаолияти сарҳисоб қилинди. Таъкидланганидек, уюшма суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳуқуқий асосларини яратишда, хусусан, жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноятлар таснифини ўзгартириш, ярашув институтини жорий этиш, ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш тартибини киритишга доир қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этди. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Уюшма томонидан халқаро юристлар ҳамжамияти ва хорижий давлатлар судларининг жамоат бирлашмалари билан алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро юристлар иттифоқи, Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерациясининг судьялар уюшмалари ҳамда Хитой Халқ Республикасининг юристлар жамияти билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Съездда ташкилий масала кўриб чиқилди. З.Худойқулов уюшма раиси этиб сайланди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ☑ «Мен нега ЎзХДПни танладим?»

# ЯНА 20 НАФАР УСТОЗ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП САФИГА АЪЗО БЎЛДИ. ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИДАГИ 19-МАКТАБДА ПАРТИЯДОШЛАР ЭЛЛИК НАФАРГА ЕТДИ.

Истиқлол шарофати билан таълим-тарбия фидойиларига ҳам қулай шароитлар, беқиёс имкониятлар эшиги очилди. Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими ҳамда ҳукуматимизнинг орден ва медалларига сазовор бўлган устоз ва мураббийларнинг кўпаяётгани Президентимиз ва ҳукуматимизнинг соҳага алоҳида эътиборидан далолатдир.

Жарқўрғон туманида 56 та умумий ўрта таълим мактаби фаолият кўрсатмоқда. 5 мингга яқин устоз ва мураббий 40 мингдан ортиқ ўқувчига сабоқ бермоқда. Тумандаги кўплаб зиё масканлари қайта қурилди, таъмирланди. Бу таълим сифатини ошириш баробарида ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик намунаси ҳамдир.

Ана шундай илм масканларидан бири — 19-мактабда айни кунда 1300 дан ортиқ ўқувчига 82 нафар устоз таълим-тарбия бермоқда.

— Истиқлол бугун ўзининг ширин меваларини бера бошлади, — дейди мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси, Ўзбекистон ХДП фаоли Қурбонмурод Ёдгоров. — Жорий ўқув йилида мустақил ҳаётга қадам қўйган 54 нафар йигит-қиздан 13 нафари мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртлари талабалари бўлишди. Бунда жамоамиздаги партиядошларимизнинг алоҳида ўрни бор. Ўтган йили 30 киши ўз ихтиёри билан партиямиз сафига қабул қилинганди. Улар партиямиз дастурий мақсадларидан бири — таълим сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор билан қараяптилар.

**Хадича МАМАДИЁРОВА, бошланғич синф ўқитувчиси:**

— Мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг ўз ғояси, дастури, мафкураси бор. Мен нега айнан ХДПни танладим? Ўқитувчи сифатида бу партиянинг электорати ҳисобланаман. Фаоллар олиб бораётган хайрли ва эзгу ишларни кўриб қувонасан, киши. Ўтган йиллар давомида туман партия кенгаши томонидан амалга оширилган ишларни кузатдим. Электорат қаровчисини йўқотганларга кўмак, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам беришни мақсад қилган ушбу партиянинг тутаётган йўли менга маъқул келди. Бундай ишларнинг бир нечтасини санашим мумкин. Туман кенгаши, айниқса, ногиронларга алоҳида эътибор қаратган. Яқинда ногиронлар ўртасида пневматик милтиқдан ўқ отиш мусобақасини ташкил этди. Бир пиёла чой баҳона улар дийдорлашишди. Ғолибларга қимматбаҳо совға, сиҳатгоҳда дам олиш учун йўлланма берилганда эса уларнинг севинганини кўрсангиз эди.

**Шоҳида ОМОНОВА, рус тили фани ўқитувчиси:**

— Тўғрисини айтсам, илгари бирор-бир сиёсий партия сафига киришни ўйламаганман. ХДПни танлашимга эса ўзига хос сабаблар бор. Биласизми, даргоҳимизда таълим-тарбия берадиган 82 нафар устоздан ўн нафари «Ўзбекистон овози» газетаси муштарийси. Улар орқали мен ҳам партия ҳаётидаги янгиликлардан хабардор бўла бошладим. Ўтган даврда партия томонидан амалга оширилган ишлар, ташаббуслар эътиборимни тортди. Бир сўз билан айтсам, газета саҳифаларида эълон қилинаётган партия ҳаётига оид турли хабар ва мақолалар менинг шу қарорга келишимга кўмак берди. Бугун мен партия сафига қабул қилиндим ва 15 нафар касбдошим қатори «Ўзбекисон овози»га обуна бўлдим...

**Олмахон ҲАЙИТОВА, бошланғич синф ўқитувчиси:**

— Касб байрамимиз арафасида, туғилган кунимда партия сафига қабул қилиндим. Туман партия кенгаши ҳомийлигида ажойиб тантана ўтказилди. Эллик нафардан ортиқ устозга ЎзХДП вилоят ва туман кенгашларининг Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди. Халқ демократик партияси менинг кўнглимдан, дилимдан, юрагимдан жой олган. Шунинг учун мен ҳам айнан шу партия сафига киришга қарор қилдим...

— Партия сафига етук, билимдон инсонларни жалб қилиш нуфузимизни янада оширади, — дейди **Ўзбекистон ХДП туман кенгаши раиси Алишер Маматмуродов.** — Бунинг учун кўпроқ одамлар билан ҳамнафас, ҳамқадам, ҳамфикр бўлиш лозим. Шундагина кўзланган мақсадга эришамиз. Ўтган йили туман бўйича 75 киши партия аъзолигига қабул қилинган бўлса, жорий йилнинг саккиз ойида 80 нафар ташаббускор киши сафларимизни тўлдирди. Хўш, бунинг асосий сабаби нимада? Аввало, кўпчиликни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш масалаларига партиямизнинг муносабати, дастурий мақсадлари одамларга маъқул бўлаяпти. Йил бошидан буён «Жамоатчилик қабулхонаси»га 50 нафар киши ёзма ва оғзаки мурожаат қилган бўлса, уларнинг аксариятига кўмак берилди. Тегишли чоралар натижасида мушкуллари осонлашди. Ана шундай ҳаракатлар одамлар орасида обрў-эътиборимиз мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА





*Республика акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг Наманган вилоят филиалида она ва бола саломатлигини назорат қилиш, ўз вақтида профилактик даволаш усулларини қўллаш яхши натижа бермоқда.*

*Айни вақтда ушбу филиал энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Бу ерда 77 нафар врач ва 363 нафар ўрта тиббиёт ходими беморларга тиббий хизмат кўрсатади.*

***Суратларда:*** *ҳамшира Шоира Тожибоева; филиал ходимларидан бир гуруҳи.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

**Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши** «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»га бағишлаб жойларда партия аъзолари бўлган педагоглар, фахрий устозлар, халқ таълими ходимлари иштирокида байрам учрашувларини ўтказди. Тадбирларда юртимизда ўқитувчиларга кўрсатилаётган эътибор, партиямиз электорати бўлган ушбу соҳа ходимлари манфаатини ифодалаш борасидаги вазифалар хусусида тўхталиб ўтилди.

**Сирдарё вилоят кенгаши** фаоллари байрам муносабати билан пахта далаларида ҳашарда иштирок этаётган ўқитувчилар ва талабалар билан учрашувлар ўтказди. Ёшларнинг Ватан учун фидойи бўлиб улғайиши, келажак авлоднинг камол топишига катта ҳисса қўшаётган устозлар Фахрий ёрлиқ ва байрам совғалари билан тақдирланди.

**Хонқа туман кенгаши** тумандаги барча таълим муассасаларида байрам тадбирлари ташкил этди. Тадбирга таклиф этилган фахрий устоз муаллимлар бой тажрибаларини ёш педагоглар билан ўртоқлашдилар. Мустақиллик берган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ёшларни халқимизга муносиб фарзанд, ҳам жисмонан, ҳам маънан етук инсон этиб тарбиялаш йўлидаги фаолиятларига омад тиладилар.

**Бувайда туман кенгаши** таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон ХДП аъзоларини рағбатлантириш мақсадида бир пиёла чой устида давра суҳбатини ташкил этди. Тумандаги 100 нафар ўқитувчи-мураббий соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда эришаётган ютуқлари учун тақдирланди.

**Собир Раҳимов ва Шайхонтоҳур** туман кенгашлари томонидан Собир Раҳимов туманидаги 28-мактабда байрам тадбири ўтказилди. Ушбу мактаб қайта қурилиб жорий йилнинг апрель ойида фойдаланишга топширилган эди. Бу ерда мингга яқин ўқувчига юздан ортиқ олий тоифали ўқитувчи сабоқ бермоқда.

Тадбир давомида иккала тумандаги жонкуяр ўқитувчи ва партия фаолларига туман кенгашларининг Фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

## ☑ Иқтисодиёт ва ислоҳот

**Ўзбекистон пахтаси ўзининг юксак сифати билан йилдан-йилга кенг шуҳрат қозонмоқда. Унинг толаси узун ва пишиқ, халқаро талабларга тўла жавоб беради. Чунончи яқинда Тошкентда бўлиб ўтган III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида 35 мамлакатнинг юзлаб фирма ва компаниясидан 460 дан зиёд вакил қатнашганлиги ва бунинг ўтган йилдагидан салкам икки баравар кўплиги Ўзбекистон пахтаси юқори сифатга эга эканлигининг яна бир халқаро эътирофидир.**

# ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН МАДАДКОР

Юртимизда айни куз. Пахта далаларида иш қизғин кечаяпти. Пахтакорлар катта меҳнат эвазига етиштирилган мўл ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олиш ташвишида меҳнат қилишмоқда. Зеро, ўзбек пахтасининг жаҳон бозорида харидоргирлиги йил сайин ошиб бораётгани ҳам улар зиммасига катта масъулият юклайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 августдаги «2007 йил ҳосили пахта хомашёсини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эса худди шу мақсадга қаратилган.

Айниқса, бу борада акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси пахтакорларга яқиндан кўмак бермоқда. Мавсум бошидаёқ бошқармада тузилган пахта штабида кунлик терим суръати ҳақида маълумотлар йиғиб борилади. Теримчилар меҳнатига ҳақ тўлаш қандай амалга оширилаётганлиги ўрганиб чиқилиб, кунлик ҳисоботлар тўпланиб, тўланиши зарур бўладиган пул миқдорини аниқлаш ва ҳар беш кунда Марказий банкка талабнома бериш вазифасини ҳам штаб аъзолари бажарадилар. Банк филиалларида хизмат кўрсатилаётган пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳар 15-20 тасига биттадан банк ходими тайинланди.

Умуман олганда, «Пахта банк» ўз номи билан қишлоқ хўжалиги корхоналарига намунали хизмат қилишга ваколатли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Банкнинг Самарқанд вилоят бошқармаси эса кейинги йилларда ўз капиталини ошириб бормоқда. Чунончи, жорий йилнинг 1 январигача бошқарманинг жамланма капитали 6,9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, саккиз ойлик якуни бўйича бу кўрсаткич 8,3 млрд. сўмга етди. Бу рақамни йил охиригача 11,8 млрд. сўмга етказиш ёки йил бошидагига нисбатан 4,9 млрд. сўмга ошириш мўлжалланмоқда. Банк активлари эса йил бошида 39,5 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, сентябрь ойига келиб 63,4 млрд. сўмдан ошди.

Банк бошқармасининг кредит қўйилмалари миқдори эса тобора ошиб бораётир. Йил бошига нисбатан олганда кредит қўйилмалари миқдори 26,2 млрд. сўмга ошиб, саккиз ой якунида 52 млрд. сўмдан кўпайди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик соҳасига 27,9 млрд. сўм, моддий-техника ва таъминотга 4,5 млрд. сўм, савдо ва хизмат кўрсатишга 1,9 млрд. сўм, саноатга 8,5 млрд. сўм, қурилишга 1,6 млрд. сўм ва бошқа соҳаларга 7,6 млрд. сўм кредит ажратилди.

Бошқарма томонидан ажратилган кредит маблағлари қишлоқ хўжалик корхоналари учун иш ҳақи, «Қишлоқхўжаликкимё», биолабораторияларга, биофабрикаларга, машина-трактор паркларига, нефть маҳсулотлари сотиб олишга, электр энергия, уруғлик, сувдан фойдаланиш уюшмаларига ва бошқа ташкилотларга ҳақ тўлаш мақсадида йўналтирилмоқда. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштиришнинг мазкур механизми доимо такомиллаштириб борилмоқда. Бундан ташқари, пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларига олиниши мумкин бўлган имтиёзли кредитларнинг ҳисоб-китобини, шунингдек, бизнес режаларини тузишда ҳам банк ходимлари яқиндан кўмак беришаётир. Шу ўринда фермер хўжаликларида ҳам кредит маблағларидан оқилона ва самарали, мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиш, уларни ўз вақтида қайтариш масъулияти ҳам шакллантирилмоқда.

Шу боис банк бошқармаси фермерларга юксак ишонч билан қараб, уларга керакли шароитларни яратиб бераётир. Масалан, шу йилнинг ўзида фермерларга Германиянинг «Класс» компаниясида ишлаб чиқарилган «Доминатор-130» дон ўриш комбайнларини сотиб олиш учун 3,5 млрд. сўм, «ТТЗ-100» русумли тракторларни сотиб олиш учун 3,2 млрд. сўм, кимёвий воситаларни ҳаво орқали пурковчи техника сотиб олиш учун 1,3 млрд. сўм, «МТЗ-80» русумли тракторлар сотиб олиш учун 2,3 млрд. сўм, эҳтиёт қисмлар учун 4,8 млрд. сўм, кимё ва минерал ўғитлар учун 2,5 млрд. сўм, пилла етиштиришни молиялаштириш учун 1,2 млрд. сўм, картошка уруғи сотиб олиш учун 1,5 млрд. сўм кредит ажратилди.

Бошқарманинг Оқтош филиали билан доимий ҳамкорлик қилаётган — Нарпай туманидаги «Нарпай — Нишоводдин» фермер хўжалиги раҳбари Жамолиддин Худойбердиев банк хизматидан мамнун. Чунки у жорий йил бошида банкка мурожаат қилиб, дон ўриш комбайнига эҳтиёжи борлигини билдириб ариза берганди. Банк ходимлари ҳам бу мурожаатни пайсалга солиб ўтирмай фермернинг эҳтиёжини қондириш чораларини кўришди. Унга «Класс Доминатор-130» русумли комбайн сотиб олиш учун 122,2 млн. сўм кредит ажратиб берилди.

— Натижа яхши бўлди, — дейди Жамолиддин Худойбердиев мамнуният билан. — Негаки, аввало ўзимизнинг 80 гектар майдондаги ғалламизни қисқа муддатда, исроф қилмай йиғиштириб олдик. Ҳосил мўл бўлди. Бундан ташқари, қўшни фермерларнинг ғалласини ҳам шартнома тузиб, ўриб бердик. Меҳнатга яраша яхшигина даромад олдик ва банкдан олинган кредитнинг 30 фоизини қоплашга муваффақ бўлдик.

Шу йилнинг саккиз ойи ичида тўққиз юздан ортиқ кичик бизнес субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 1,7 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Бунинг эвазига мингдан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди. Ушбу кредитнинг ярмидан кўпроғи ёки аниқроғи, 885,7 млн. сўми чорвачиликни ривожлантириш мақсадида берилди. Ишлаб чиқаришга 360,5 млн. сўм, қурилиш ва маиший хизматлар учун 228,4 млн. сўм, бошқа соҳаларни ривожлантиришга 207,4 млн. сўм ажратилди. Кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликлари кейинги йилларда минитехнологиялар ҳамда ихчам ускуналарга кўпроқ эҳтиёж сезишмоқда. Уларнинг эҳтиёжини қондириш мақсадида бошқарма томонидан жорий йилда 800 млн. сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Масалан, Жомбой туманидаги «Жакфа Агро Мир» масъулияти чекланган жамиятга банк томонидан 140 миллион сўм кредит берилди. Корхона шу маблағ эвазига хорижий фирмадан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш линиясини олиб келиб ўрнатди. Натижада сифатли ва харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Боз устига корхонада 26 нафар йигит-қиз янги иш ўринлари билан таъминланди.

Вилоятда кейинги йилларда полипропилен қопларга бўлган эҳтиёж ошиб бораётган эди. «Сиёб нон» масъулияти чекланган жамияти ана шу эҳтиёжни қондириш мақсадида банкдан 200 млн. сўм кредит олди. Полипропилен халталар ишлаб чиқарадиган линия олиб келиниб, цехга ўрнатилди. Эндиликда кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, 22 нафар ёш йигит-қиз янги иш ўринларига эга бўлди.

Бошқарма фаолиятига оид бундай жонли мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шунингдек, тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларга ҳам қулай имкониятлар яратиб берилмоқда. Шу йилнинг ўзидаёқ уларга 439,3 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилганлиги қувончлидир.

Вилоят бошқармаси томонидан ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 700 млн. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди. Жумладан, 250 дан ортиқ ёш оилага радио-электрон ва маиший асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 190 млн. сўм ҳамда 95 дан ортиқ ёш оилага 180 млн. сўм микрокредитлар берилди.

Бошқарма филиаллари таркибидаги 42 та мини банк ва 19 та махсус кассалар, 4200 та хўжалик юритувчи субъектларга сифатли банк хизмати кўрсатмоқда, жорий йил давомида мини банклар томонидан 986 та янги мижоз жалб қилинди.

Банкдан ташқари пул айланиши ҳажмини камайтириш борасида ҳам бир қанча самарали ишлар амалга оширилди. Чунончи жорий йилнинг саккиз ойи якунига кўра тарқатилган пластик карточкалар сони 53 мингтага етиб, улардаги қолдиқ маблағ 1,3 млрд. сўмдан ошиб кетди. Савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида ўрнатилган терминаллар сони 194 тадан ошди, натижада ҳозиргача 6,4 млрд. сўм савдо айланмасига эришилди.

Хуллас, «Пахтабанк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси ўтаётган «Ижтимоий ҳимоя йили»ни муносиб якунлаб, юртдошларимизни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдек хайрли ишларга ўз ҳиссасини қўшади.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

t

# XORIJDA

## САЙЛОВ ЎТДИ, НАТИЖА ЭСА...

Покистон парламентида ва унинг ҳудудий ассамблеяларида (тўрт музофотнинг тўртта парламентида) шанба куни президент сайлови бўлиб ўтди. Бироқ Марказий сайлов комиссияси мамлакат Олий суди қарорига кўра, сайлов натижаларини ҳозирча эълон қилмайди. Негаки, Олий суд мухолифат томонидан берилган арзномани кўришга ва унинг юзасидан ажрим чиқаришга ҳали улгургани йўқ.



Маълумки, мухолифат тарафдорлари республиканинг амалдаги президенти Парвез Мушарраф икки лавозим (президентлик ва армия қўмондонлиги)ни эгаллагани учун иккинчи муддатга номзодини қўйиши мумкин эмас, деган даъво билан Олий судга мурожаат этган. Мамлакат конституциясига кўра, республика президенти фақат фуқаровий шахс (ҳарбий эмас) бўлиши керак. Шунинг учун ҳам Парвез Мушарраф 2 октябрь куни мамлакат қуролли кучлари қўмондонлиги лавозимидан воз кечишини билдириб, агар президентлик сайловида ғолиб чиқса, бу лавозимга Покистон разведка хизматининг собиқ раҳбари, генерал Ашфақ Киани тайинланишини маълум қилди. Унгача Киани бош қўмондон ўринбосари вазифасини бажариб туради.

Халқаро экспертларнинг фикрича, сайловда П.Мушарраф ғолиб чиқиши мумкин. Чунки ҳукмрон партия тарафдорлари парламент кўпчилигини ташкил этади.

П.Мушаррафнинг президентлик ваколати муддати 15 ноябрда тугайди. Сайлов натижалари эса Олий суд қарорига кўра, 17 октябрда эълон қилинади. Чунки шу куни Олий суд мухолифат арзномаси юзасидан ажрим чиқаради.

Генерал Парвез Мушарраф 1999 йили қон тўкишларсиз амалга оширилган давлат тўнтаришидан сўнг ҳокимият тепасига келган ва ҳам президентлик, ҳам армия бош қўмондони вазифаларини ўзида сақлаб қолган.

Яна бир гап. Ўтган ҳафтанинг пайшанбасида республика президенти Парвез Мушарраф билан қувғинда яшаётган собиқ бош вазир Беназир Бхутто хоним ўртасида келишув битими имзоланди. Унга кўра, 1988 йилдан 1999 йилгача ҳокимият бошқаруви таркибида бўлган сиёсий корчалонларга нисбатан эълон қилинган коррупция билан боғлиқ айбловлар бекор қилинади, шу жумладан, Беназир Бхутто ва унинг турмуш ўртоғи Азиф Зардори ҳам бу айбловлардан холос бўлади. Шунинг учун Бхутто 18 октябрда мамлакатга қайтмоқчи ва келгуси йил бошларида бўлиб ўтадиган парламент сайловларида иштирок этмоқчи.

«Le Monde» газетасида ёзишларича, ушбу келишув битими қувғиндаги яна бир собиқ бош вазир Навоз Шарифга тааллуқли эмас. У сентябрь ойида мамлакатга қайтишга уринди, аммо маъмурият уни республика ҳудудига киритмади. У ҳозир Саудия Арабистонидан бошпана топган.

## ЯНА ТАРТИБСИЗЛИКЛАР



Париж атрофидаги Сен-Дизье шаҳарчаси кўчаларида бир неча ўнлаб ёшлар полиция патрулларига ҳужум уюштириб, тартибсизликларни келтириб чиқарди. Маҳаллий маъмурларнинг гапларига қараганда, 30-40 чоғли ўспирин 2 та полиция машинасини темир-терсаклар билан уриб, яксон этган, кўчалардаги 16 та автомобилни ёқиб юборган. Шунингдек, маданият марказига ҳам ўт қўйган.

2 киши жароҳат олган ушбу тартибсизликларнинг келиб чиқиш сабаби ҳақида ҳозирча ҳеч нарса дейилмаяти.

«Associated Press» АAнинг эслатишича, бундай тартибсизликлар 2005 йил кузида ҳам ёшлар томонидан содир этилган эди. Ўшанда бир ҳафта давом этган тартибсизликлар оқибатида бир неча минг автомобиль ва 300 дан ортиқ уй ёшлар томонидан ёқиб юборилганди. Шундан кейин ҳукумат тартибсизликларни тўхтатиш учун қатъий чоралар кўрганди. 2006 йил кузида ҳам тартибсизликлар қайд этилган, аммо у 2005 йилдагига қараганда енгилроқ тусда бўлган.

## НАВБАТДАГИ БОСҚИЧ

Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси шу йил 2 декабрь куни Давлат думаси учун бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этишни хоҳлаб ариза берган партиялар (улар 14 та) рўйхатини тасдиқлади. Энди сайловолди кампаниясининг навбатдаги босқичи бошланди, яъни Марказий сайлов комиссияси Давлат думаси депутатлигига номзоди кўрсатилаётганлар рўйхатини кўриб чиқиб, уларни рўйхатдан ўтказиш бўйича қарор қабул қилади.

Россиянинг сайлов қонунчилигига кўра, октябрь ойида сиёсий партиялар ўз рўйхатларини қўллаб-қувватлаш учун сайлов кафолатини (60 миллион рубль) қўядилар ёки 200 мингтадан ортиқ ўз тарафдорларининг имзосини йиғадилар. Агар улар Россиядан ташқарида ҳам имзо йиғишни бошласалар, бу имзолар сони 10 мингтадан ортмаслиги керак.

Сайлов кафолатини қўйиш муддати 17 октябргача.

Сайлов қонунчилигида яна шу нарса назарда тутилганки, унга кўра, «парламент имтиёзи» берилади. 2003 йилги сайловларда Давлат думаси таркибидан жой олган партиялар шундай имтиёздан фойдаланадилар. Улар: «Единая Россия», Коммунистик партия ва Либерал-демократик партия. Сайлов кафолати қўйиш ёки рўйхат йиғиш тартиблари уларга тааллуқли эмас.

«Новости» АAнинг хабар беришича, сайловолди кампаниясининг ушбу мавсуми 2 ноябргача давом этади.

## ЮЗ ФОИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНДИ

Шу йил 30 сентябрь куни Украина Олий радасига бўлиб ўтган навбатдан ташқари сайловларнинг барча бюллетенлари ҳисоб-китоб қилиб бўлинди. Бу ҳақда республика Марказий сайлов комиссияси раиси Владимир Шаповал маълум қилди.

Натижалар қуйидагича бўлди: Ҳудудлар партиясини — 34,37 фоиз, Юлия Тимошенко блокини — 30,71, «Бизнинг Украина — Халқ ҳимояси» партиясини — 14,15, Коммунистик партияни — 5,39, Литвин блокини — 3,96 фоиз сайловчи қўллаб-қувватлаган. Социалистлар эса атиги 2,85 фоиз овоз олиб, уч фоизлик «тўсиқ»дан ўтолмади.

Сайловчиларнинг 2,73 фоизи барчасига қарши овоз берган.

Шундай қилиб, — дейилади «РБК-Украина» сайтидаги ахборотда, — Ҳудудлар партияси парламентда 175 ўринни, Юлия Тимошенко блоки — 156, «Бизнинг Украина — Халқ ҳимояси» — 72 ўринни эгаллайди.

## ҲУКУМАТ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАДИ

Қирғизистон бош вазири Алмазбек Атамбаев баёнот бердики, агар республика аҳолиси 21 октябрь куни ўтказиладиган референдумда мамлакатнинг янги Конституциясини қўллаб-қувватлаб овоз берса, у ҳолда ҳукумат тўлиқ таркибда истеъфога чиқади, дейилади «Росбалт» сайтидаги хабарда.


**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!**

# ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
# «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоси ўтказилишини
**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**2008 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИ ОБЪЕКТЛАРИ:**

ЛОТ №1:

| | |
|---|---|
| **Лот-1/1.** | Арнасой туманидаги 420 ўқувчи ўринли 4-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-1/2.** | Арнасой туманидаги 480 ўқувчи ўринли 20-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-1/3.** | Арнасой туманидаги 536 ўқувчи ўринли 1-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-1/4.** | Мирзачўл тумани, «Тошкент» ҚФЙдаги 268 ўқувчи ўринли 6-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-1/5.** | Мирзачўл тумани, «Дўстлик» ҚФЙдаги 240 ўқувчи ўринли 4-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-1/6.** | Мирзачўл тумани, «Пахтазор» ҚФЙдаги 536 ўқувчи ўринли 9-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-1/7.** | Мирзачўл тумани, «Ипак йўли» ҚФЙдаги 356 ўқувчи ўринли 12-сонли мактабни капитал таъмирлаш |

ЛОТ №2:

| | |
|---|---|
| **Лот-2/1.** | Дўстлик тумани, Дўстлик шаҳридаги 670 ўқувчи ўринли 1-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-2/2.** | Дўстлик туманидаги 640 ўқувчи ўринли 14-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-2/3.** | Дўстлик туманидаги 536 ўқувчи ўринли 6-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-2/4.** | Зарбдор туманидаги 440 ўқувчи ўринли 14-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-2/5.** | Зарбдор туманидаги 720 ўқувчи ўринли 9-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-2/6.** | Пахтакор тумани, «Дилором» ҚФЙдаги 856 ўқувчи ўринли 9-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-2/7.** | Пахтакор тумани, «Олмазор» ҚФЙдаги 570 ўқувчи ўринли 8-сонли мактабни капитал таъмирлаш |

ЛОТ №3:

| | |
|---|---|
| **Лот-3/1.** | Зомин туманидаги «Ғолиб» АХМдаги 624 ўқувчи ўринли 37-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-3/2.** | Зомин тумани, Пшағор қишлоғидаги 784 ўқувчи ўринли 5-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-3/3.** | Зомин тумани, Бешюз қишлоғидаги 320 ўқувчи ўринли 29-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-3/4.** | Зомин тумани, Тинчлик ҚФЙдаги 480 ўқувчи ўринли 52-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-3/5.** | Зомин туман марказидаги 1000 ўқувчи ўринли 60-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-3/6.** | Янгиобод тумани, Чакандий қишлоғидаги 192 ўқувчи ўринли 6-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-3/7.** | Янгиобод туманидаги 624 ўқувчи ўринли 12-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-3/8** | Янгиобод тумани, Учтўрғон қишлоғидаги 192 ўқувчи ўринли 9-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-3/9** | Янгиобод тумани, Баландчақир шаҳарчасидаги 140 ўқувчи ўринли 1-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-3/10** | Янгиобод тумани, Кушканд қишлоғидаги 192 ўқувчи ўринли 11-сонли мактабни капитал таъмирлаш |

ЛОТ №4:

| | |
|---|---|
| **Лот-4/1.** | Зафаробод туманидаги 100 ўқувчи ўринли 19-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-4/2.** | Зафаробод тумани, «Охунбобоев» АХМдаги 648 ўқувчи ўринли 2-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-4/3.** | Зафаробод туманидаги 624 ўқувчи ўринли 13-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-4/4.** | Зафаробод туманидаги, «Чимқўрғон» АХМдаги 60 ўқувчи ўринли 22-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-4/5.** | Фориш тумани, Янгиобод қишлоғидаги 180 ўқувчи ўринли 24-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-4/6.** | Фориш тумани, Осмонсой қишлоғидаги 180 ўқувчи ўринли 2-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-4/7.** | Фориш тумани, Юқори Гараша қишлоғидаги 280 ўқувчи ўринли 79-сонли мактабни капитал таъмирлаш |

ЛОТ №5:

| | |
|---|---|
| **Лот-5/1.** | Жиззах тумани, Куёвбоши қишлоғидаги 536 ўқувчи ўринли 22-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-5/2.** | Жиззах тумани, Куёвбоши қишлоғидаги 784 ўқувчи ўринли 5-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-5/3.** | Жиззах тумани, Рават ҚФЙдаги 360 ўқувчи ўринли 46-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-5/4.** | Жиззах тумани, Учтепа ҚФЙдаги 966 ўқувчи ўринли 13-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-5/5.** | Жиззах тумани, Ҳамзаобод ҚФЙдаги 834 ўқувчи ўринли 19-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-5/6.** | Жиззах тумани, Олтинсой қишлоғидаги 180 ўқувчи ўринли 9-сонли мактаб филиалини капитал таъмирлаш |

ЛОТ №6:

| | |
|---|---|
| **Лот-6/1.** | Бахмал тумани, Ўсмат шаҳарчасидаги 770 ўқувчи ўринли 1-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-6/2.** | Бахмал тумани, Тонготар қишлоғидаги 320 ўқувчи ўринли 66-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-6/3.** | Бахмал тумани, Аламли қишлоғидаги 640 ўқувчи ўринли 34-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-6/4.** | Бахмал тумани, Боғишамол қишлоғидаги 360 ўқувчи ўринли 57-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-6/5.** | Бахмал тумани, Барлос қишлоғидаги 240 ўқувчи ўринли 31-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-6/6.** | Бахмал тумани, Қирққишлоқ қишлоғидаги 280 ўқувчи ўринли 18-сонли мактабни капитал таъмирлаш |

ЛОТ №7:

| | |
|---|---|
| **Лот-7/1.** | Ғаллаорол тумани, Ғаллаорол шаҳридаги 470 ўқувчи ўринли 16-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-7/2.** | Ғаллаорол тумани, Сарибозор ҚФЙдаги 515 ўқувчи ўринли 26-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-7/3.** | Ғаллаорол туманидаги 250 ўқувчи ўринли 31-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-7/4.** | Ғаллаорол тумани, Қипчоқсув ҚФЙдаги 392 ўқувчи ўринли 39-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-7/5.** | Ғаллаорол тумани, Маржонбулоқ шаҳридаги 536 ўқувчи ўринли 73-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-7/6.** | Ғаллаорол туманидаги 192 ўқувчи ўринли 81-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-7/7.** | Ғаллаорол тумани, Кориз қишлоғидаги 220 ўқувчи ўринли 11-сонли мактабни капитал таъмирлаш |

ЛОТ №8:

| | |
|---|---|
| **Лот-8/1.** | Жиззах шаҳри, Сайхан маҳалласидаги 483 ўқувчи ўринли 20-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-8/2.** | Жиззах шаҳридаги 968 ўқувчи ўринли 10-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-8/3.** | Жиззах шаҳри, Қипчоқ маҳалласидаги 420 ўқувчи ўринли 15-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-8/4.** | Жиззах шаҳри, Иттифоқ маҳалласидаги 968 ўқувчи ўринли 7-сонли мактабни капитал таъмирлаш |
| **Лот-8/5.** | Жиззах шаҳри, Заргарлик маҳалласидаги 240 ўқувчи ўринли 19-сонли мактаб филиалини капитал таъмирлаш |
| **Лот-8/6.** | Жиззах шаҳри, Бобур маҳалласидаги 180 ўқувчи ўринли мактаб-интернатни капитал таъмирлаш |
| **Лот-8/7.** | Жиззах шаҳри, Абдужабборов маҳалласидаги 160 ўқувчи ўринли 9-сонли мактаб филиалини капитал таъмирлаш |
| **Лот-8/8** | Жиззах шаҳри, Олмазор маҳалласидаги 844 ўқувчи ўринли 25-сонли мактабни капитал таъмирлаш |

**Ишларни туғаллаш муддати:** ***2008 йил 1 августгача.***
**Буюртмачи манзили:** ***Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.***
**Телефон:** ***(8372) 222-31-59, 222-30-11.***
**Ишларни молиялаштириш** ***давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.***

*Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

***Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.***

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

*Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.*



**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

# 9112-СОНЛИ ҲАРБИЙ ҚИСМ

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Сурхондарё вилояти, Узун шаҳридаги кам сонли оилаларга мўлжалланган ҳарбийлар ётоқхонасини реконструкция қилиш.**

**Иншоотнинг бошланғич нархи** — 608,496 млн. сўм. **Қурилиш муддати** — 240 кун.

Иншоотнинг қурилиш ишлари **Ўзбекистон Республикаси МХХ Чегара қўмитасига ажратилган Давлат бюджети маблағи** ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи: 9112-сонли ҳарбий қисм.**

**Манзили: Термиз шаҳри, Ю.Бобохўжаев кўчаси, 65-уй. Тел.: 222-46-83.**

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

***Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй. Тел/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.***

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй.**



**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ УЙ-ЖОЙЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1. Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани «Какайди» аҳоли пунктидаги 11506-сонли ҳарбий қисм 1-ҳарбий шаҳарчасида жойлашган 157-сонли яшаш уйи биносини капитал таъмирлаш.** *Иншоотнинг қурилиш муддати — 50 кун.*

**2. Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрида жойлашган 55529-сонли ҳарбий қисм 13-ҳарбий шаҳарчасининг иссиқ сув ва оқава сув тармоқлари ҳамда хлорлаш қурилмасини капитал таъмирлаш.** Иншоотнинг қурилиш муддати — 55 кун.

Иншоотларнинг қурилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Буюртмачи:*** *Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси.*

***Манзили: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй. Тел/факс: 169-05-35, 169-05-39, 169-05-34.***

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун рухсатнома (лицензия) ва танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздаварxитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй.**
**Тел/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.**

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.*

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:
***Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй.***

**Спорт**

# ТОШКЕНТ КОРТЛАРИДА...

## ОМАД КЕЛМАДИ

Пойтахтимизда теннис бўйича аёллар ўртасида ўтказилган Tashkent open анъанавий халқаро турнири ниҳоясига етди. Мукофот жамғармаси 145000 АҚШ долларини ташкил қилувчи мазкур нуфузли мусобақа ҳамюртларимиз учун муваффақиятсиз якунланди.

Вакилларимиздан фақат Оқгул Омонмуродовагина турнирнинг чорак финалига йўлланма олганлигини аввал хабар қилгандик. Бироқ теннисчимиз ушбу босқичда франциялик Полин Парментьега имкониятни бой бериб қўйди. Жуфтлик баҳсларида Буюк Британия вакиласи Кэти О'Брайан билан биргаликда ҳаракат қилган Оқгул ярим финалгача етиб борди.

Шундай қилиб, қаторасига тўққизинчи маротаба ўтказилган Sony Ericsson WTA Tour туркумидаги бу йилги турнир финали майдон эгаларисиз ўтди.

Яккалик учрашувларининг финалида Полин Парментье (Франция) мусобақанинг биринчи ракеткачиси Виктория Азаренко (Белоруссия)ни мағлубиятга учратди — 7/5, 6/2.

Жуфтлик баҳсларида эса белоруссиялик Екатерина Дзехалевич билан Анастасия Якимова жуфтлиги Татьяна Пучек ҳамда Анастасия Родионова (Белоруссия — Россия)ларни енгиб, бош совринга сазовор бўлди — 2/6, 6/4, 10/7.

# «ПАХТАКОР»НИНГ МАҒЛУБИЯТСИЗ ОДИМИ



Футбол бўйича Ўзбекистон XVI миллий чемпионати баҳслари мавсум охирлашгани сайин қизғин тус олмоқда. Буни куни кеча якунланган 23-тур учрашувларида қайд этилган натижалар ҳам тасдиқлаб турибди.

Турнинг марказий ўйини Муборакда «Машъал» — «Нефтчи» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Агар мазкур учрашувда меҳмонлар ғалаба қозонишса, улар чемпионат бронза медалини қўлга киритиш имкониятини сақлаб қолишарди. Аксинча бўлса, бундай бахт мубораклikларга кулиб боқарди. Шу боис, ўйин кутилганидан-да қизиқарли ва муросасиз кечди. Учрашув тақдирини «Машъал» жамоаси аъзоси Дилявер Ваниев томонидан киритилган ягона тўп ҳал қилди — 1:0. Агар Хайрулло Каримов 11-метрлик жарима тўпини аниқ амалга оширганида ҳисоб янада йирикроқ кўриниш олиши мумкин эди.

Чемпионат карвонбошиси Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси эса ўзининг мағлубиятсиз юришини давом эттирди. Охирги турда пахтакорчилар Ғузорнинг «Шўртан» футболчиларига ҳеч қандай имконият қолдиришмади — 3:1.

Турнинг кутилмаган натижаси «Бухоро» — «Тўпаланг» (Сариосиё) жамоалари баҳсида қайд этилди. Олий лигада ўз мавқеларини сақлаб қолиш учун курашаётган сариосиёликлар сафардан уч очко билан қайтишди — 1:2.

Қолган ўйинлар эса қуйидагича якунланди: «Навбаҳор-Н» — «Қурувчи» — 1:4, «Самарқанд-Динамо» — «Насаф» — 2:0, «Қизилқум — Олтин» — «Андижон-ЎзДЭУавто» — 2:0, «Трактор» — «Вобкент» — 2:1, «Металлург» — «Локомотив» — 0:2.

Йигирма тўртинчи тур ўйинлари 20-21 октябрь кунлари бўлиб ўтади.

**2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили**

# ТАҚДИР СИНОВЛАРИНИ ЕНГИБ

## МАТОНАТ ВА ЖАСОРАТ КЎРСАТАЁТГАНЛАР

Ҳаётнинг аччиқ-чучуги бор, қувонч ва ташвишлари, кутилмаган синовлари бор. Умр йўлларида кимнингдир имконияти кенгроқ, кимнингдир имконияти чегараланган бўлади. Лекин ҳамманинг ҳам яшагиси келади, ҳар бир инсон ҳаётда ўз ўрнини топиш учун курашади. Бу курашда инсонга унинг иродаси таянч бўлади, куч-қувват, эртанги кунга ишонч бағишлайди. Синовларни енгиб ўтишига ёрдамлашади.



Шу йил баҳорда имконияти чегараланган спортчилар ўртасида спорт фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишланиб Тошкентда ўтказилган республика турнири мусобақаларини кузатиб хаёлимиздан шу фикрлар ўтган эди. Яқинда ана шу мусобақа иштирокчиларидан бири билан учрашиб қолдик, турнирни эсладик. Унинг юз-кўзларида қувонч-ҳаяжон сезилиб турарди. Бундай йигит-қизлар учун спортнинг аҳамияти нақадар катталигини ҳис этасан киши.

Имконияти чегараланган спортчилар соғлиғини тиклаш, уларга ғамхўрлик қилиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида 1998 йилнинг 18 октябрида Ўзбекистон Ногиронлар спорт ассоциацияси ташкил этилган эди. 2002 йилда эса Ўзбекистон Ногиронлар спорт ассоциацияси Халқаро Паралимпия қўмитасига аъзо бўлди ва Ўзбекистон Миллий Паралимпия қўмитаси сифатида дунё миқёсида тан олинди. Бу эса ўз навбатида ногирон спортчиларга катта имкониятлар эшигини очди. Ассоциация ташкил қилингандан буён турли мусобақалар, чемпионатлар, биринчиликлар, ўртоқлик учрашувлари ўтказиб келинмоқда.

2004 йил Грецияда бўлган Паралимпия ўйинларида ҳамюртларимиз илк бор иштирок этишди. Бугун эса спортчиларимиз халқаро мусобақаларда қатнашиб, нуфузли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Масалан, футбол бўйича икки карра жаҳон чемпиони «Байналминал» жамоасининг моҳир футболчиси, «Жасорат» медали соҳиби Бахтиёр Ражабов, юнон-рум кураши бўйича икки карра Дефлимпия ўйинлари чемпиони Пўлат Жўраев, эркин кураш бўйича Дефлимпия ўйинларининг бронза медали совриндори Қобил Умбоев, армрестлинг бўйича уч карра жаҳон чемпиони Умиджон Аҳмедов, шоҳмот бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони Сирожиддин Зайнуддинов, Осиё чемпиони Алишер Анорқулов, икки карра жаҳон чемпиони Юсуф Қодировлар номини келтириш мумкин. 2006 йил Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган махсус Осиё ўйинларида ҳам 18 кишидан иборат мамлакатимиз терма жамоаси муносиб иштирок этди.

2007 йил 27 февралда Ўзбекистон Ногиронлар спорт ассоциацияси Адлия вазирлигидан қайта рўйхатдан ўтиб, Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциацияси деб номлана бошланди. Эндиликда ассоциация мамлакат миқёсида ўз иш фаолиятини бошлаган. Айни вақтда жойларда ассоциациянинг вилоят бўлимлари очилмоқда. Ўзбекистон ички ишлар вазири ўринбосари Алишер Шарафутдинов Ўзбекистон Миллий Паралимпия ассоциациясининг раисидир.

Халқаро Паралимпия ўйинлари дастуридан спортнинг 19 тури жой олган. Айни чоғда мамлакатимизда шоҳмот, волейбол, армрестлинг, шашка, пауэрлифтинг, дартс, сузиш, стол тенниси, мини-футбол, камондан ва милтиқдан ўқ отиш, футбол, енгил атлетика, эркин ва юнон-рум кураши, дзюдо каби спорт турлари билан мунтазам шуғулланаётганлар сони тобора ортиб бормоқда. «Ижтимоий ҳимоя йили» муносабати билан ногиронлар ўртасида жойларда вилоят ва республика миқёсида кўплаб мусобақалар ўтказилди.

— Болалигимдан футболга қизиқардим, — дейди «Байналминал» жамоаси аъзоси, бир неча карра жаҳон чемпиони Абдужамил Шукуров. — Орзуим севимли «Пахтакор» либосида тўп суриш эди. Аммо бахтсиз тасодиф туфайли бир оёғимдан айрилдим. Лекин бу иродамни бука олмади. Доимо умид билан яшадим. Мамлакатимизда «Байналминал» футбол жамоаси ташкил этилгач, орзуим ушалди. Салкам ўн йилдирки, шу жамоа шарафини ҳимоя қилиб келаяпман. Гарчи, «Пахтакор» сафида тўп суриш бир умр армонга айланган бўлса-да, «Байналминал» ва Ўзбекистон ногиронлар терма жамоалари таркибида Россия, Англия, Бразилия, Украина сингари давлатларнинг футболчиларига қарши майдонга тушганлигим, ғалабалар қозонганимиздан бир умр бахтиёрман. Биз ногирон футболчилар учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб берган ҳукуматимиздан беҳад миннатдормиз.

Яқинда яна бир хушхабар олдик. Россиянинг Нижний Новгород шаҳрида футбол бўйича ногиронлар ўртасида ўтган МДҲ кубоги баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси бош соврин соҳиби бўлди. Россия, Молдова, Украина сингари ўнга яқин давлат вакиллари иштирок этган мазкур мусобақада ҳамюртларимизнинг барча рақибларини мағлубиятга учратганлиги айниқса, эътиборга молик.

— Турнирда йигитларимиз чин маънода маҳорат ва матонат кўрсатишди, — дейди терма жамоа раҳбари Анвар Исмоилов. — Буни финалда Россия терма жамоаси билан бўлган учрашувда ҳатто маҳаллий ишқибозлар футболчиларимизга мухлислик қилганидан ҳам билса бўлади. Бу ўйинда 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, бош совринни қўлга киритдик. Якунда мусобақа ташкилотчилари томонидан йигитларимиз муносиб тақдирланишди. Жумладан, терма жамоамиз аъзолари Зоҳиджон Тошхўжаев — «Турнирнинг энг яхши дарвозабони», Ҳайдарали Турсунбоев — «Энг яхши ҳимоячи», Аъзам Исматов — «Энг кучли ҳужумчи» ҳамда Абдужамил Шукуров — «Турнирнинг энг яхши ўйинчиси ва тўпурари» номинациялари ғолиби, деб топилдилар.

Тақдир синовларини енгиб ўтиб, ҳаётда ўз ўрнини топиб, спортда юксак марраларни забт этаётган бу каби матонатли инсонларнинг умр йўли ҳақида ўйласанг, кўнгилга кўп фикрлар келади, кўп саволларга жавоб топасан...

**Равшан ШОДИЕВ,**
**Эркин ХОЛБОБО.**
**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

**Интер-спорт**

*ФИФА президенти Зепп Блаттер Европа жамоалари таркибида тўп сурадиган легионерлар сонини камайтириш тўғрисидаги қарорни қайта кучга киритажагини билдирди, деб хабар қилади BBC News. Маълумки, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Европа футбол клубларида хорижлик ўйинчилар сонини камайтириш тўғрисидаги чеклов бекор қилинганди.*

# ЛЕГИОНЕРЛАР СОНИ КАМАЯДИ

Блаттернинг таъкидлашича, легионерлар сонининг кўплиги жойларда маҳаллий ҳамда болалар футболини ривожлантиришга салбий таъсир қилади. Агар клубларда чекловлар қайта жорий этилса, жамоалар таркибидаги легионерлар сони беш, жумладан, Евросоюзга аъзо бўлмаган давлатлар фуқароси бўлган ўйинчилар сони эса уч нафарни ташкил этади.

Эслатиб ўтамиз, айни пайтда Россия футбол клублари таркибида етти нафардан хорижлик футболчи тўп сурмоқда. Бу эса Россия футбол уюшмасининг амалдаги дастурига мос келади.



**Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир**



# ҚИШЛОҚ МУАЛЛИМИ

У нафақат ўқувчиларга таълим-тарбия берувчи зиёли, балки ўз қишлоғида Ватанимиз манфаати, келажак авлод истиқболи йўлидаги улуғ ишларни тарғиб қилувчи шахс ҳамдир, — дейди Зарбдор тумани Янгикент қишлоғидаги 18-мактаб ўқитувчиси, I даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби ЎзХДП фаоли Шафоат ХЎЖАМОВА

У ўттиз беш йилдирки, ўз касбини улуғлаб келаётган муаллимлардан бири. Бу вақт мобайнида опа минглаб ўқувчиларга сабоқ бериб, юзлаб шогирдлар етиштирдики, бугун улар ҳам устозлари каби ўз касбини шарафлаб келмоқда.

— Устозим билан бугун ҳар қанча фахрлансам арзийди, — дейди мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Майрам Қодирова. — У киши бизга ҳам талабчанлик, ҳам меҳрибонлик билан касбимизнинг сир-асрорларини ўргатган эдилар. Бугун биз ҳам ўз ўқувчиларимизга таълим беришда улардан ўрганганларимизни амалда қўлламоқдамиз.

Шафоат опа таълим-тарбия ишларидан ортиб, жамоат ишларида ҳам фаол. Ўтган сайловларда фидойи, ғайрат-шижоатли муаллимага ҳамқишлоқлари ишонч билдиришиб, уни 79-Ғалаба сайлов округидан туман кенгаши депутатлигига сайлашганди.

— Шафоат Хўжамованинг номзодини туман кенгаши депутатлигига кўрсатган партиямиз ҳам, унга овоз берган сайловчилар ҳам адашмаган экан, — дейди ЎзХДП Зарбдор туман кенгаши раиси Алиқобул Ўсканов. — Ўтган йиллар ичида опа ҳамқишлоқлари турмуш шароитини яхшилаш, ободончилик ҳамда бунёдкорлик йўлидаги талайгина ишларда ташаббускор бўлди. Хусусан, қишлоқ аҳлига тегишли масалаларни туман ҳамда вилоят мутасаддилари олдига қўя билди ва охир-оқибат уларнинг кўпи ижобий ечим топди.

Муаллиманинг турмуш ўртоғи Ўрол Каримов ҳам ўқитувчи. Узоқ йиллардан буён мактабда ёш авлодга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бериб келаяпти. Қувонарли томони шундаки, уларнинг фарзандлари ҳам ота-оналари изидан бориб, ўқитувчилик касбини эгаллашган. Бугун Нилуфар, Шоира, Отабеклар ҳам устоз, Нодирбек эса Жиззах давлат педагогика институти талабаси.

Янгикент қишлоғида бу оилага ҳамма ҳавас билан қарайди. Чунки, оиланинг барча аъзолари ўқимишли, тарбияли, маданиятли, меҳнатсевар кишилар. Тўю маърака, катта-кичик тадбирларда бу оила вакилларининг ўз ўрни, мавқеи бор.

— Қишлоғимиз туман марказидан анча олисда жойлашган, — дейди Шавкат Мансуров. — Бундай шароитда давлатимиз, ҳукуматимизнинг олиб бораётган сиёсатини, қолаверса, маънавият, маърифат соҳасидаги ишларни ким тарғиб қилиши керак? Албатта, биринчи галда қишлоқ ўқитувчиси бунга бош-қош. Шундай экан, бу оилани ҳақиқатда ташвиқотчи ва тарғиботчилар оиласи, маърифатли устозлар сулоласи, десак бўлади.

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби, «Халқ таълими аълочиси» Шафоат Хўжамова билан гурунглашсангиз, унинг кўнглида, қалби тўрида ҳамқишлоқлари турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, қишлоғида таълим-тарбия жараёнини бугунги талаб даражасига кўтариш, аҳоли орасида маънавият, маърифатни кенг ёйиш, ўзаро жипсликни мустаҳкамлашга алоқадор яна кўплаб ўй-режалар, фикр-мулоҳазалар борлигини сезасиз.

— Юртимизда мактабга, ўқитувчи-мураббийларга бўлган бугунги эътибор ва ғамхўрликнинг қиёси йўқ, — дейди Шафоат Хўжамова. — Ўз навбатида биз ўқитувчилар бунга муносиб бўлишимиз, амалий ишларимиз билан жавоб беришимиз керак. Ва яна қишлоқ зиёлиси сифатида ҳамқишлоқларимнинг оилавий даромадлари ва турмуш фаровонликлари янаям ошсин, энг чекка қишлоқларда ҳам ҳар бир инсоннинг интеллектуал, касбий ҳамда маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариш имкониятлари юзага келсин, дейман. Бугун мамлакатимизда «Ҳамма нарса инсон учун, унинг фаровон келажаги учун» деган эзгу тамойилни амалга оширишдек буюк жараён кетаяпти. Буни биз ҳар кун, ҳар соатда ҳис қилиб, идрок этиб турибмизки, шунинг ўзи бизга келажак авлод тарбияси йўлидаги ишларимизда беқиёс далда, куч-қувват манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Суратда:** Шафоат Хўжамова ўқувчилари билан.

**Доногул ЖЎРАЕВА олган сурат.**

# ШОДЛИК КЕЛТИРУВЧИ РАҚАМ

**Бу — қизиқ**

Одамзотнинг феъли қизиқ. Кимдир рақамларга ишонса, бошқа биров буни инкор қилади. Айримлар 13 сонини омадсизликка йўйса, кўпчилик «7»ни бахт келтирувчи сана, деб билади. Жарқўрғон туманида истиқомат қилувчи Ғафур Магомедов учун «2» қувонч ва шодлик белгиси ҳисобланади. Касби сураткаш бўлган бу дилкаш инсон ҳаётининг кўп саҳифалари шу сон билан боғлиқ...

— Отам Абусупиян Доғистонда туғилган, — дейди Ғафур ака. — Онам эса тошкентлик. Табиийки, улар икки мамлакат фарзанди. Тўғри, бундай ҳол кўпчиликда бўлиши мумкин. Аммо... 1969-2002 йилларда «Бозор» кўчаси 2-уйда яшадик. Шу уйимиз қайта қуриш учун 2002 йилнинг 22 июль куни бузилган.

Ғафур Магомедов менга талай ҳужжатларни кўрсатди. Қизиғи унинг қариндошларида ҳам юқоридаги ҳолат бор экан. Қаҳрамонимизнинг бувиси Ойша 1922 йил 2 январда туғилган бўлса, унинг ўзи 1961 йилнинг 22 июлида таваллуд топган. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг бош рақамлари ҳам 222.

«Икки»чи бу инсон 1979 йилнинг 22 октябрида ҳарбийга чақирилган. Хизматни 2-ҳарбий қисм, 2-постда адо этган. 1982 йилнинг 22 ноябрида эса ҳарбийликдан захирага бўшатилган...

— Бу ғалати анъана фарзандларимга ҳам ўтган, — суҳбатни давом эттиради Ғафур Магомедов. — Ўғлим Абусупиян 1991 йилнинг 22 январида дунёга келган.

Ҳа, Ғафур Магомедов ҳаётида жуфт сон кўп ва хўп такрорланган. Ва доим шодлигу қувонч келтирган.

**Абдумалик БОТИРОВ.**

# БИР КУНДА 79 МИЛЛИОНТА КЎЧАТ ЎТҚАЗИЛАДИ

Иқлимнинг глобал ўзгаришларига қарши кураш ва қисқариб бораётган ўрмон ҳудудларини тиклаш мақсадида Индонезия маъмурияти 28 ноябрь куни 79 миллионта кўчат ўтқазиш режасини ишлаб чиқди. Ўрмон хўжалиги вазирининг матбуот котиби бу ҳақда «Associated Press» ААга маълум қилди.



Ушбу тадбир шу йил декабрь ойида Индонезиянинг Бали оролида глобал иқлим ўзгаришларига қарши кураш мавзуи бўйича БМТ томонидан ўтказиладиган саммит олдидан амалга оширилади. Унда асосан тисс (иссиқ жойларда ўсадиган ёғочи қаттиқ, доимий яшил, игнабаргли дарахт) ва эвкалипт (доимий яшил, улкан дарахт) экиш мўлжалланмоқда.

234 миллионга яқин киши яшовчи Индонезияда ўрмон ҳудудлари бошқа мамлакатларга қараганда тезлик билан қисқариб бормоқда, яъни соатига тахминан 300 та футбол майдонига тенг ҳудуддаги ўрмон кесилмоқда.

«Greenpeace» маълумотларига кўра, 2000 йилдан 2005 йилгача бўлган даврда йилига 4,5 миллион акрдаги ўрмон йўқ қилинган. Ўрмонлар нафақат тижорат мақсадларидаги дарахт кесиш ҳисобига, балки табиий ёнғинлар ҳисобига ҳам камайиб бормоқда.

Ўзбекистон ХДП МК аппарати жамоаси Марказий Кенгаш масъул ходими Олия Шариповага опаси **Мамлакат АБДУЛЛАЖОНОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши Юқори Чирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги бош пудратчиси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати **Шарипа ҲАМИДОВА**нинг вафот этгани муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.


**BOSH MUHARRIR:**
Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL (Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

**MANZILIMIZ:**
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Qurbon ESHMATOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 949
7860 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.25
Topshirilgan vaqti — 22.30
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda